

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАБИАТНИ АСРАШГА ЎРГАТИШДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Азамат Рузвонovich Рахмонов**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

[a.raxmonov@cspi.uz](mailto:a.raxmonov@cspi.uz)

**Гулшода Шерзод қизи Каримова**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

[g.karimova@cspi.uz](mailto:g.karimova@cspi.uz)

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ этиш билан бир қаторда ўқувчиларга экологик билимларни беришда замонавий таълим-тарбия методларини қўллаш ҳамиша долзарблигча қолмоқда. Шу нуқтайи назардан келиб чиқиб бошланғич синф ўқувчиларини табиатни асрашга ва экологик тарбиялашдаги муаммоларни мақолада ёритишга ҳаракат қилдик...

**Калит сўзлар:** Экологик тарбия, экологик талабларга риоя этиш, экологик таълимни такомиллаштириш, экология ва ҳаёт.

### USE OF ENVIRONMENTAL EDUCATION METHODS IN TEACHING PRIMARY SCHOOL STUDENTS IN NATURE CARE

**Azamat Ruzvonovich Rakhmonov**

Senior teacher of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

[a.raxmonov@cspi.uz](mailto:a.raxmonov@cspi.uz)

**Gulshoda Sherzod qizi Karimova**

Student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

[g.karimova@cspi.uz](mailto:g.karimova@cspi.uz)

### ABSTRACT

Along with the reform of the education system in the Republic of Uzbekistan, the use of modern educational methods in imparting environmental knowledge to students has always remained relevant. From this point of view, we tried to cover the problems of nature protection and ecological education of primary school students in the article.

**Keywords:** Environmental education, compliance with environmental requirements, improvement of environmental education, ecology and life.

## КИРИШ

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ёш авлод экологик тарбиясига жиддий эътибор берилди. Унинг замирида давлатимиз экологияни муҳофаза қилиш, атроф оламга муносабатларни барқарорлаштириш мақсади юксак даражага қўйилди. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг қуйида айтиб ўтган сўзлари диққатга сазовордир: “Энг муҳим масала-аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялашда унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин.”

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Экологик тарбияни амалга оширишдан аввал экология сўзини таҳлил қиладиган бўлсак «том» ёки «уй» деган маънони англатади. Экология илк маротаба немис олими Эрнест Геккел томонидан биринчи бор фанга киритилган. Экология фани ҳозирги бозор муносабатлари даврида кўпгина тармоқларга эга: ўсимликлар экологияси, зооэкология, тупроқ экологияси, инсон экологияси ва бошқалар.

Экологик тарбия инсонда табиатга нисбатан тўғри, оқилона муносабатни шакллантириш масаласи устида иш олиб боради ва ўз олдига талабаларда экологик маданиятни шакллантиришдек мақсадни қўяди.

2017—2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, Республика ҳудудларидаги экологик муаммолар ечимига таълим тизимини жорий қилиш билан ҳисса қўшишда қуйидагиларга амал қилишда:

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг экологик саводхонлигини ошириш;

Экологик онги ва экологик маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш; Экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида вужудга келтирилади. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сонли қарори қабул қилинган. Қарорга илова сифатида Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси ишлаб чиқилган. Концепциянинг асосий мақсади ўсиб келаётган ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни

шакллантириш ҳамда ривожлантириш, экологик таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш, шунингдек, экология соҳасидаги илм-фанни жаҳоннинг илғор инновацион технологияларини жалб этган ҳолда янада такомиллаштиришдан иборат. Мазкур концепцияда таълимнинг барча босқичларида экологик тарбиянинг ўрни ва ролига алоҳида урғу берилган. “Умумий ўрта таълим тизимида экологик таълимни такомиллаштириш” бўлимида қуйидаги устувор вазифалар белгилаб қўйилган.

1.1. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантириш параметрларидан келиб чиққан ҳолда қайтадан таҳлил қилинади ва қўшимча индикаторлар белгиланади.

-Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари мазмуни қуйидаги малакалар билан бойитилади:

-ўқувчиларда экологик маданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи билим,

-кўникма ва малакаларни таълим мазмунига кенг сингдириш;

-ўқув фанлари доирасидаги экологик билимларни амалиётга жорий этиш, уларни амалиётда қўллай олиш имконини берувчи амалий топшириқлар билан бойитиш (назария ёки муҳокамадан амалиётга ўтиш);

1.2. Умумий ўрта таълим тизимида экологик билимлар ўқувчиларнинг ёши, жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда синфлар даражасида фарқланиши асосида ташкил этилади.

Бунда билим бериш «оддийдан мураккабга», «узвийлик ва узлуксизлик» каби педагогик тамойилларга таянган ҳолда назарий ва амалий билимлар уйғунлигига, ўқувчиларда экологик маданият ҳамда тарбиянинг босқичма-босқич шаклланишини таъминлайдиган мақсадли тизимга айланиши керак.

1.3. Умумий ўрта таълим тизимида экологиянинг назарий асосларига оид билимлар ва экологик маданиятни шакллантиришга қаратилган билим, кўникма ва малакалар мавжуд ўқув фанлари мазмунида узвийлик асосида берилади ва бир бутун комплекс тарзда ифодаланади.

Бунда умумий ўрта таълим тизимини тамомлаган шахс минимал даражада экологик тушунчалар, хулқ-атвор қоидалари (экологик маданият) тўғрисида билимга эга бўлади, экологик билимлар фанлар мазмунига мажбурловчи чора сифатида эмас, фан мазмунидан келиб чиққан ҳолда сингдирилади.

1.4. Умумий ўрта таълим тизимида экологик таълим куйидаги босқичларда олиб борилади:

**Бошланғич таълим (I — IV синфлар),  
Умумий ўрта таълим (V — XI синфлар).**

Бошланғич таълимда экологик таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга эътибор қаратилади.

1.5. Бошланғич синфларда ўқувчилар ўқув фанлари доирасида қўшимча равишда:

Сувни тежаш ва асраш;

-Атмосфера ҳавосининг аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш;

-Ер ресурслари ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш;

-Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш;

-Чиқиндиларни йиғиш ва жойлаштириш;

-Ўзбекистоннинг гўзал ва такрорланмас табиатини асраш;

-Ўзи яшайдиган қишлоқ (шаҳар) табиатини асрашда фаол иштирок этиш;

Ўзбекистондаги қўриқхоналар ва табиат боғлари тўғрисида;

Орол денгизи фожиаси тўғрисида умумий билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим.

1.6. Умумий ўрта таълим ўқув фанлари таркибига қўшимча равишда:

а) мусиқага оид фанларга она табиат ўқувчининг ота-онасидек азизлиги мавзусидаги кўшиқларни ёддан билиш ҳамда куйлай олиш;

б) тасвирий санъатга оид фанларга, табиат манзараларини кузатиш ва тасвирлай олиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобидан энг ноёб ва камёб бўлган ўсимлик ва ҳайвонот турларини ўзи танлаб чиза олиш;

Табиатга зарар етказишнинг, шу жумладан, чиқиндилар белгиланмаган жойларга ташланишнинг салбий оқибатларини тушуна олиш;

инсон ва табиат ўртасидаги меҳр-муҳаббатни кучайтириш;

Глобал экологик муаммоларга оид манзараларни тасвирлай билиш;

в) Давлат ва ҳуқуқ асослари фанларига:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид қоидалари;

Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни;

г) иқтисодий билим асосларига оид фанларга:

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда экологик талабларга риоя этиш зарурлиги;

атроф муҳитни ифлослантирганлик учун алоҳида тўлов тизимлари мавжудлиги;

д) кимё асосларига оид фанларга:

атмосфера ва озон қатламини емирувчи моддалар ва уларнинг хусусиятлари;

маиший ва саноат чиқиндиларини жойлаштиришда чиқиндилар таркибидаги моддаларнинг табиатга салбий таъсири;

ж) биология асосларига оид фанларга:

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ноёб ва камёб ўсимлик ва ҳайвонот турлари;

Ўзбекистондаги кўриқхоналар ва табиат боғларидаги ранг-баранг ҳайвонот олами ва ўсимлик дунёси турлари, уларнинг тарқалиш ҳудудлари;

ўрмонлар, уларнинг аҳамияти ва ўрмонларни табиий ҳолда сақлаб қолиш;

з) географияга оид фанларга муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг тавсифи тўғрисидаги мавзулар, зарур билимлар ва маълумотлар киритилади.

1.7. Умумий ўрта таълим учун мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалари тегишли мавзуларга экологик маданиятга оид билимларни чуқур сингдириш орқали такомиллаштирилади.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Мутахассислар томонидан умумтаълим мактаблари учун ўқувчилар ёшига мос равишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ичимлик сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби долзарб муаммолар юзасидан ўқув-кўргазмали материаллар, видеороликлар ва дидактик материаллар ишлаб чиқилади.

Умумтаълим мактабларида ўқитилаётган фан дастурлари мазмунига мос равишда экологик таълим мавзулари киритилади. Бу борада I синфдан XI синфгача ўқитиладиган фанлар мазмунига «Уй ҳайвонлари ва паррандалари», «Ёввойи ҳайвонлар», «Кўриқхоналар, ҳудудларнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси», «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби», «Зараркунандаларга қарши курашиш ва уларни йўқотиш», «Соғлом турмуш тарзи меъёрларига риоя қилиш», «Экология ва ҳаёт», «Атмосфера ҳавоси ва сувларни муҳофаза қилиш», «Табиат ва унинг бойликларини асраш», «Биологик хилма-хилликни

сақлаш ва уни кўпайтириш», «Атроф муҳит чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш» каби мавзулар киритилади.

1.8. Экологик тарғиботни кенг йўлга қўйиш механизмини такомиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларида турли хил кўрик-танловлар ташкил қилинади.

Умумий ўрта таълим тизимида республика миқёсида босқичма-босқич ўтказиладиган «Энг яхши экологик тоза мактаб», «Энг яхши эколог ўқувчи» каби кўрик танловларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилиши керак. Кўрик танловларни ташкил қилиш ва ўтказишда умумий ўрта таълим муассасаси жамоасининг экологик ҳуқуқ ва мажбуриятлари, муассасада ўтказиладиган экологик тадбирлар сони, уни ўтказиш вақти ва тартибини белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

Табиатшунослик методикаси, шунингдек, ўқитишнинг моддий баҳоси — табиатшунослик кабинети, тирик табиат бурчаги, ўқув-тажриба участкаси, география майдончаси, ўқитишнинг техника воситаларини ташкил этиш ва фойдаланиш масалаларини ҳам қараб чиқади, буларсиз табиатшуносликни ўқитишни тўғри олиб бориш мумкин бўлмайди.

Экологик тарбиянинг мазмунига экологик онглилик, экологик ҳис-туйғулар (табиатга, инсонларга, ҳаётга нисбатан муносабатлар) киради. Шундай қилиб, экологик тарбия инсон ҳаётида, жамиятда, ватанда муҳим аҳамият касб қилади. Экологик тарбиянинг шаклланишига экологик билимларни эгаллаш билан бир қаторда экологик муносабатларни ҳам шакллантириб бориш зарур бўлади.

#### **Тарбияланувчиларда экологик муносабатларни шакллантириш:**

1. Ҳаётга муносабат.
2. Яхлитлик ҳиссини тарбиялаш.
3. Жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.
4. Табиат гўзалликларини ҳис этиш каби компонентларни киритиш мумкин.

Экологик тарбияга нафақат бугун, балки ота-боболаримиз ҳам чуқур масъулият билан қарашган. Масалан, атроф – муҳитни ифлос қилмаслик мақсадида, ахлат ташлаш, чиқиндиларни ташлаш учун алоҳида чуқурлар қазилган, ҳожатхоналарни ариқ, сой, булоқ сувларидан узоқроқ жойда қовлашган, турли еҳтиёжлар учун фақат куриб қолган дарахтларни кесишган, ҳайвонларни азоб бериш, кушлар уясини бузишни, гуноҳ санашган. Бу борада оилада «Сувга тупурма, уни ифлос қилма, чунки барча жониворлар уни ичиб

бахра олади», «Гуллаб турган мевали дарахтнинг шохини синдирма, у мева беради, уни ўзинг истеъмол киласан», «Пишиб етилмаган узумни узма, агар узсанг катта гуноҳ иш бўлади, чунки унда аҳли мўминнинг насибаси бор» деб тарбия берилган.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Экологик таълим ва тарбиялаш тизими болалар боғчаларида, умумий таълим мактабларида, кейинги таълим босқичларида ҳамда меҳнат жамоаларида давом еттирилади. Бу ўринда ҳаётий мисоллар орқали ҳозирги пайтда оилаларда экологик саводхонликнинг пастлиги уқтирилади. Масалан, ҳозир кўплаб одамлар молларини экинзорларда, боғларда ҳатто мевали ва манзарали дарахтларга боғлаб боқадиган бўлиб қолишмоқда. Ахир ўтмишда халқимиз қармоғидаги ҳайвонларига махсус подачи сақланган ку. Ёки моли бор кишилар навбат билан пода боққанлар-ку. Бунинг учун ҳозиргидек ҳайвонларни дуч келган ерда эмас, алоҳида ажратиб қўйилган яйловларда ўтлатишган. Ёки оилавий дам олишга чиқилганда ўт-ўланлар пайҳон қилинмаган, қир – адирларда шиша синиқлари, овқат қолдиқлари ташлаб кетилмаган. Дарахтларга, ўсимликлар оламига, ҳайвонларга зарар келтирилмаган. Экологик тарбия беришни тайёрлашнинг мазмуни қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Атроф муҳит ва унинг шахс маънавий дунёсига таъсири;
- Табиат ва унинг аҳамиятини аниқлаш;
- Табиатга муҳаббатни ривожлантиришда мактаб ва оиланинг ҳамкорлиги;
- Ўз ноҳияси, шаҳари, қишлоқ ва мактаби ҳовлисини кўкаламзорлаштиришда, ҳатто синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришлашга қизиқишларини ошириш;
- Атроф-муҳит муҳофазаси, бунда болаларнинг вазифалари;
- Табиатни муҳофаза қилишда ота-оналарнинг намуналари;
- Ёшларни экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.
- Оилада, мактабда табиатни, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;
- Инсоният тарихидан маълумки, соғлом жамиятни фақатгина соғлом муҳит яратади. Бошланғич таълим олдида қўйилган вазифалардан бири ўқувчиларни атроф-муҳитга онгли муносабатга ўргатишдан иборат.

## REFERENCES

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси 13 июл 2017 йил Тошкент ш.
2. Ўзбекистон республикаси вазирлар маҳкамасининг “Ўзбекистон республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сонли қарори.
3. Ўзбекистон Республикасида Экологик таълимни ривожлантириш Концепцияси.
4. Е. М. , Григорянц А. И., Абдуллаева Т. Табиатшунослик (3-синф учун дарслик). Т., «Ўқитувчи», 1988.
5. A.R.Raxmonov “Boshlang’ich ta’lim jarayoniga innovatsiyon yondashuv” Respublika ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari “O’qituvchi innovatsiyon faoliyatining asosiy xususiyatlari” 66b
6. A.R.Raxmonov “Zamonoviy o’quv mashg’uloti va ta’limning o’ziga xos imkoniyatlari” O’zbekiston respublikasi xalq ta’limi vazirligining ilmiy-metodik jurnali 2020 yil 51b